

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК –
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

«МУҲАНДИСЛИК -ТЕХНОЛОГИЯ» ФАКУЛТЕТИ

«Олий математика»кафедраси

«Информатика ва АТ» фанидан



7у-14 гуруҳ талабаси:

А.Маҳмудов

Илмий раҳбар:

М.Мирзакаримов

Наманган - 2015

МАВЗУ: MSDOS ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИ.

РЕЖА

КИРИШ

- 1. MS-DOS операцион тизими.**
- 2. Диск операцион системанинг буйруқлари.**
- 3. Диск операцион системани созлаш. Буйруқлар
файллари.**
- 4. Каталог ва файл буйруқлари.**
- 5. Фойдаланган адабиётлар.**

КИРИШ.

Компьютерда хар хил турдаги маълумотлар сақланади. Улар билан ишлаш учун биз хар хил махсус дастурлар билан фойдаланишимиз зарур, чунки компьютер ўзи хеч канак харакатлар бажармайди у фақат бизнинг буйруқларимизни ва кўрсатмаларимизни бажаради. Буйруқлар ва кўрсатмалар кетма-кетлиги эса дастур деб номланади.

Операцион тизим(ОТ) – бу ЭХМ захираларини бошқариш, амалий дастурларни чақириш, уларни ташқи қурилмалар ва бошқа дастурлар билан ўзаро алоқасини амалга оширувчи, шунингдек фойдаланувчининг компьютер билан мулоқатини таъминловчи дастурий воситалар йиғиндисидир. ОТ фойдаланувчига хисоблаш тизими билан қулай мулоқат қилиш усулини тақдим этади. Дастурлар 3 турга бўлинади:

1) **СИСТЕМА ДАСТУРЛАР ТУРИ.** Система дастурлар бу компьютер ишини бошқарувчи ва хар хил ёрдамчи амалларни бажарувчи дастурлар.

Масалан: файллар устидан хар хил амаллар бажариш (қайта номлаш, яратиш, ўчириш, нусхасини олиш, хажмини ўзгартириш), дискни тозалаш ва текшириш, компьютерни созлаш (ташқи қурилмалар ишини бошқариш). Система дастурлар ичида 4 дастурлар гурухлари ажратилиб туради. Булар: операцион тизимлар (системалар), утилита дастурлар, драйвер дастурлар ва дастур қопламалар.

Шулардан *операцион системалар* дастурлар гурухи жуда катта ахамиятга эга. Бу дастурлар компьютер ишини бошқаради, хар хил дастурларни компьютер хотирасига юклайди ва бажаради, файллар, каталоглар ва дисклар устидан хар хил амалларни бажаради. Хамма дастурлар шу операцион система дастурнинг имкониятларидан фойдаланади ва шунинг учун хамма дастурлар фақат шу дастур орқали ишга тушади. Энг таниқли операцион системалар: MS-DOS ва Windows (Microsoft корпорация) дунёдаги компьютерларнинг 75-80%, Makintosh (Apple фирмаси) дунёдаги компьютерларнинг 5-10%, Linux ва Unix дунёдаги компьютерларнинг 10-15%. MS-DOS операцион тизими билан биз кейин яқинроқ танишамиз.

Утилитта-дастурлар бу операцион системани имкониятларини кучайтирувчи дастурлар. Масалан: дисклар устидан хар хил амалларни бажарувчи дастурлар, компьютер ишини тезлаштирувчи дастурлар, маълумотлар хажмини ўзгарувчи дастурлар, вирусларни аниқловчи дастурлар ва хоказо

Бошка кўп тарқалган система дастурлардан бири бу *драйвер дастурлари* ва *дастур-қопламалар*. *Драйверлар-дастурлар* бу операцион системага ташқи ва ички курилмалар билан ишлашда қулайликлар яратувчи дастурлар. Бу дастурлар асосан шу курилмалар чиқарувчи фирмаларда яратилади ва курилмалар билан бирга тарқалинади. Масалан: мониторлар драйверлари, CD-ROM лар драйверлари ва хоказо. *Дастур қопламалар* бу операцион системанинг имкониятлардан чиройли ва қулай ҳолда фойдаланишни тaminловчи дастурлар. Шулардан энг таниқлиси бу Norton Commander ва Total Commander дастурларидир.

2) АМАЛИЙ (прикладные) ДАСТУРЛАР ТУРИ. Амалий дастурлар бу маълумотлар билан иш жараёнида фойдаланадиган дастурлар.

Масалан: матн маълумотларни яратиш ва тахрирлаш, расм ва тасвир маълумотларни яратиш ёки ўзгартириш, маълумотлар омбори билан ишлаш, мусика ва видео маълумотларни куриб чиқиш ва тахрирлаш.

Амалий дастурлар фойдаланган маълумотлар турига кўра гурухланади: матн муҳаррирлари (Word, Lexicon, WD, Notepad, Write ва хоказо), расм ва тасвир муҳаррирлари, расм ва тасвирларни курсатувчи дастурлар (Corel, Adobe Photoshop, Imaging, ACDSee, Paint ва хоказо), мусика ва видео муҳаррирлари, мусика ва видео курсатувчи дастурлар (Adobe Premier, Winamp, универсал проигрователь ва хоказо), жадваллар муҳаррири (Lotus, Excel ва хоказо), маълумотлар омбори билан ишловчи дастурлар (Access, Dbase, FoxPro ва хоказо), уйин дастурлари, ўргатувчи дастурлар, бугалтерия ва молия дастурлар, ва бошқалар.

3) ИНСТРУМЕНТАЛ ДАСТУРЛАР ТУРИ. Инструментал дастурлар бу янги дастурлар яратувчи дастурлар системалари.

Инструментал дастурлага махсус дастурлаш тиллари билан ишлайдиган дастурлар системалари киради. Улар дастурлаш тилига кўра фаркланади: C, Basic, C++, Delphi, ва бошқалар. Бу дастурлар системалар ўзига бир нечта дастурни жамлаган бўлиб бўлар: дастурлаш тили муҳаррири, транслятор, комплятор ва бошқа ердамчи дастурлар.

Бундан ташқари ҳамма дастурлар пулли, бепул ва қисман пулли бўлиши мункин. Масалан: драйверлар асосан бепул ёки қисман пулли бўлади, машхур бўлмаган фирмалар дастурлари ҳам бепул ёки қисман пулли бўлади, таникли фирманинг махсулоти эса пулли. Бепул дастурлар асосан имкониятлари қисқартирилган холда бўлади.

Охирга пайтлар пират нусха дастурлари ҳам жуда кўп тарқалган. Шунинг учун дастурларни пират ва оригинал нусха турларига бўлиш ҳам мумкин. Пират дастури оригинал дастурга қараганда жуда арзон бўлади, лекин бу дастурларга ҳеч қандай қаролат берилмайди. Шунинг учун катта фирма ва корхоналар, банклар ва давлат идоралари фақат оригинал дастурлардан фойдаланади.

Ҳар битта дастур ўзининг номерига эга. Бу номер версия деб номланади. Версиялар асосан рақамлар билан қўйилади ва охириги пайтларда, дастур чиққан йили бўйича қўйилади. Масалан Windows 95 ёки Windows 98 ёки Windows 2000. Ҳар битта янги версияли дастур, олдинги версиялардан қулайликлар ва имкониятлари кўп бўлгани билан ёки компьютерга талаблари ўзгаргани билан фарқланади.

1. MS-DOS операцион тизими.

MS-DOS (MicroSoft Disk Operation System) 1981 йилда **Microsoft** фирмасида **IBM** фирмасининг биринчи персонал компьютери **IBM PC** учун яратилган. Диск Операцион Система (ДОС) бизга файл, каталог ва дисклар билан ишлаш ва улар устидан хар хил амалларни бажариш учун ёрдам беради. Бу дастурсиз компьютар билан ишлаолмайсиз. Шунинг хар битта янги компьютарга фирмалар хар хил операцион системаларни езиб кўйишади. ДОС нинг асосий кисмлари куйидагилар:

Диск системанинг асосий файллари (IO.SYS ва MSDOS.SYS). Бу файллар MS-DOS нинг асосий кисмини компьютарнинг тезкор хотирасига юклатади. Бу файллар асосий (йукланиш) каталогида жойланиши шарт.

Буйруқлар процессори файли (COMMAND.COM). Клавиатурадан берилган буйруқларни бажаради. Агар буйруқ ички (command.com файл руйхатидаги буйруқ) бўлса у холда уни бажаради, агар буйруқ ташки (command.com файл руйхатида йук буйруқ) бўлса у холда шу номли программани дискда топиб уни хотирага юклайди. COMMAND.COM файли асосий каталогида жойланиши шарт.

ДОС юкловчиси (IPL). Бу дастурнинг асосий вазифаси ДОС нинг асосий файли IO.SYS ни хотирага юклаш. Бу дастур дискнинг биринчи секторида жойлашади.

ДОС нинг конфигурациясини ва юкланиш тартибини аникловчи файллар (CONFIG.SYS ва AUTOEXEC.BAT). Бу матн файллар ичида компьютар конфигурациясини аникловчи махсус буйруқлар, драйверларни юклашга буйруқлар, ДОС юкланганда ишга тушадиган дастурлар руйхати ва хар хил ДОС ишини ва кўринишини созловчини буйруқлар езилади. Бу файллар дискнинг асосий каталогида жойлашади. Агар бу файллар бу каталогида бўлмаса у холда ДОС минимал (стандарт) холатда юкланади.

Киритиш ва чиқариш системаси (**BIOS**). BIOS таркибига компьютер ва унинг қурилмаларни текшириш дастурлари, операцион системани юкланишини ташкил қилувчи дастурлар ҳамда монитор, клавиатура, диск ва принтернинг киритиш-чиқариш операцияларини бажарувчи дастурлар қиради.

Ташки буйруқлар файллар (*format.com, smartdrv.exe, emm386.exe* ва хоказо). Бу махсус ёрдамчи дастурлар. Улар алоҳида файлларда тарқалинади ва ДОС ни имкониятларини қучайтиради. Бу файллар алоҳида битта каталогга езилиши шарт.

Қурилмалар драйверлар файллари. Бу дастурлар тури билан биз олдин танишган биз (1 боб, Дастурлар турлари). Бу дастурлар операцион системага ташки ва ички қурилмалар билан ишлашда қулайликларни яратади. Драйверлар ДОС нинг CONFIG.SYS файлида курсатилиб, компьютернинг тезкор хотирасига юкланиш вақтида ёзилади.

Компьютерни ишга туширилиши тартиби

- 1) **BIOS** компьютерни ва унинг қурилмаларини текшириб чиқади;
- 2) дискнинг биринчи секторда жойлашган ДОС юқловчиси **IPL**, асосий каталогда IO.SYS ва MSDOS.SYS файлларни топиб биринчи файлнинг бошини хотирага юқлайди ва иш жараёнини шу файлга топширади;
- 3) **IO.SYS** файли ўзини ва **MSDOS.SYS** файлини компьютер хотирасига юқлайди, шу вақт сизнинг экранингизда STARTING MS-DOS деган ёзув пайдо бўлади;
- 4) асосий каталогдан ДОСнинг конфигурациясини аниқловчи файли **CONFIG.SYS** ўқилади;
- 5) дискдан буйруқлар процесорнинг **COMMAND.COM** файли ўқилади;

б) асосий дискдан юкланиш тартибини аникловчи файл **AUTOEXEC.BAT** бажарилади ва шундан кейин компьютер сизга экранга ДОС таклифномасини (C:_) чикаради. У бизга қаерда биз жойлашганлигимизни ва компьютер ишлашга тайёрлигини кўрсатади.

```
C:\ARGO>date
Текущая дата: ЧТ, 29.11.2001
Введите новую дату (дд-мм-гг):

C:\ARGO>time
Текущее время: 13:24:33,74
Введите новое время:

C:\ARGO>dir

Том в устройстве C не имеет метки
Серийный номер тома: 1221-16F1
Содержимое папки C:\ARGO

.                <ПАПКА>          07.08.01   9:02  .
..               <ПАПКА>          07.08.01   9:02  ..
WEB_SITE        <ПАПКА>          08.08.01  13:37  web_site
VB              <ПАПКА>          07.08.01   9:02  VB
ARH             <ПАПКА>          16.08.01  12:09  ARH
POTOSHOP        <ПАПКА>          20.08.01  12:34  PotoShop
0 файлов              0 байт
6 папок              5 111,70 МБ свободно

C:\ARGO>_
```

Таклифнома сатрида биз хар хил буйруқларни ёзишимиз мумкин. Буйруқни киритганимиздан кейин ENTER еки RETURN тугмасини босишимиз керак. ДОС нинг буйруқлари билан биз кейинги мавзуда танишамиз. Таклифнома бизга биз жойлашган каталоггача бўлган тулик йулни кўрсатади. Икки нуктадан олдин ёзилган харф дискни кўрсатади. Ётик чизиклар (бек слешлар) уртасида ёзилган сузлар каталоглар номини кўрсатади. Масалан C:\GAMES\AVTO-GAMES\FORMULA1\ маноси: C диска, GAMES каталог ичидан AVTO-GAMES каталог ичидан FORMULA1 каталог ичи. Шунақа кўриниш тўлиқ йўл деб номланади.

2. Диск операцион системанинг буйруқлари.

Буйруқлар икки хил (ташки ва ички) бўлиши хақида утган эдик. Ички буйруқлар ёрдамида биз система, диск, каталог ва файллар устидан хар хил асосий амалларни бажаришимиз мумкин. Бу буйруқлар ДОС нинг буйруқлар процессори COMMAND.COM файлида жойлашган. Хамма буйруқларни 4 гурухга бўлишимиз мумкин: система, диск, каталог ва файллар билан ишлаш буйруқлар. Энди хар бир асосий, ички буйруқ билан танишамиз.

СИСТЕМА БИЛАН ИШЛАШ УЧУН КЕРАК БЎЛАДИГАН БУЙРУҚЛАР.

1) **VER** - ДОС версиясини кўрсатиш буйруги

```
C:\ver
```

```
MS-DOS 6.22
```

```
C:\_
```

```
C:\ver
```

```
Windows 95 Version 4.11
```

```
C:\_
```

2) **CLS** - экранни тозалаш буйруги

```
C:\cls
```

```
C:\_
```

3) **TIME** - жорий вақтни кўриш ва ўзгартириш буйруги (янги вақт : белги билан ёзилади)

```
C:\time
```

```
Текущее время 5:45:22.09
```

```
Введите новое время: _
```

```
C:\_
```

C:\time

Текущее время 5:45:22.09а

Введите новое время: 6:10

C:_

ёки янги вақтни жорий вақтни курмасдан ўзгартириш (:белги билан ёзилади)

C:\time 8:30:15

ОК

C:_

4)**DATE** - жорий кунни кўриш ва керак бўлса ўзгартириш буйруги (янги кун - белги ёрдамида ёзилади)

C:\date

Текущая дата: Пн. 09-27-99

Введите новую дату (мм-дд-гг): _

C:_

C:\date

Текущая дата: Пн. 09-27-99

Введите новую дату (мм-дд-гг): 11-26-01

C:_

ёки янги кунни жорий кунни курмасдан ўзгартириш (янги кун - белги билан ёзилади)

C:\date 15-06-99

ОК

C:_

5)**EXIT** - MS-DOS дан чиқиб кетиш (ишни тамомлаш)

C:\exit

C:_

ДИСКЛАР БИЛАН ИШЛАШ УЧУН КЕРАК БЎЛАДИГАН БУЙРУҚЛАР.

1) "*диск номи*": - шу номли дискга ўтиш буйруғи

C:\ a:

A:_

2) **format** "*диск номи*": /*параметрлар* - шу номли дискни тозалаш буйруғи

Параметрлар: q-тезкор тозалаш, s-тозалаб система файлларни нусхасини кўчириш, u-албатта тозалаш

C:\ format a: /q/s

Insert new diskette to drive and strike ENTER when ready (Вставьте дискету и нажмите ENTER)

Format complete

Volume label (11 characters, ENTER for none)?

Format another (Y/N)?

C:\ _

Дискни форматлаганда шу дискда жойлашган хамма маълумотлар ўчирилади ва шу диск тозаланади. Шунинг учун ушбу буйруқ билан ишлашда алохида эҳтиёт бўлиш керак.

3. Диск операцион системани созлаш. Буйруқлар файллари

Жуда кўп вазиятларда биз бир нечта буйруқларни ёки улар кетма-кетлигини такрорлашимиз зарур бўлади, шу амалларни бажариш учун ДОС да буйруқлар файлини яратишимиз мумкин. Буйруқлар файли бу **BAT** кенгайтмага эга бўлган ДОС буйруқлари ва кўрсатмалари кетмакетлиги. Буйруқлар файлини бажариш учун у жойлашган каталогга кириб унинг номини (кенгайтма езилиши шарт эмас) таклифнома еки буйруқлар сатрида езишимиз мумкин, агар буйруқлар файли сиз жойлашган каталогда бўлмаса у холда унинг бажарилиши учун у жойлашган каталог номи **AUTOEXEC.BAT** файлида курсатилиши шарт (буни биз кейинрок куриб чикамиз). Буйруқлар файли бажарилиш жараёнида биз **CTRL+C** еки **CTRL+BREAK** тугмалар ердамида бажарилишни тухтатишимиз мумкин. Энди буйруқлар файлида ишлатиладиган буйруқлар билан танишамиз:

Хамма асосий ички буйруқлари Система, диск, каталог ва файллар билан ишлайдиган буйруқлар; Дискда жойлашган ташки буйруқлар ёки программалар номлари Файллар ва программалар номи тўлиқ йўл билан ёзилиши керак;

CALL "*буйруқлар файл номи*" . Бошқа буйруқлар файлини бажаришга ўтиш;

ECHO OFF ва **ECHO ON** Бажарилиш жараёни экранда кўрсатилиши еки кўрсатмаслигини ўрнатувчи буйруқлар. **ECHO OFF** буйруғи ўрнига @ -"эт, собачка еки лягушка" белги ишлатилиши мумкин, лейкин бу белги фақат битта сатрга тасир килади;

REM Шу сатрда жойлашган барча ёзувлар изохлигини ва бажармаслигини кўрсатади;

PAUSE Буйруқлар файлини бажарилишини тўхтатиб туриш;

PROMPT "*матн*". ДОС таклифномасининг ташқи кўринишини аниқловчи буйруқ. Матнда кўриниш параметрлар кўрсатилади: **\$p**- жорий диск ва каталог, **\$n**- жорий диск, **\$d**- жорий кун, **\$t**- жорий вақт, **\$v**- ДОС версияси, **\$_**- кейинги сатрга ўтиш белгиси, **\$s**- бўш жой белгиси, **\$g**- ">" белгиси, **\$b**- "|" белгиси;

BREAK ON ва **BREAK OFF** Буйруқ файлни бажаришини тўхтатувчи тугмаларни (CTRL+C еки CTRL+BREAK) ёкиш ёки ўчириш;

PATH "*каталоглар номи*" Буйруқлар файллари ва ташқи буйруқлар файллари жойлашган каталогларни компьютерга таништириш. Каталог номлари ўртасида ";" белги қўйилади.

Буйруқлар файлида ҳар битта сатрда битта буйруқ берилиши шарт.

Масалан:

```
@ECHO OFF
```

```
BREAK ON
```

```
REM бу менинг биринчи буйруқлар файли
```

```
REM бу файл ёрдамида биз дискеталарни форматлаймиз
```

```
REM форматлашдан кейин шу дискга асосий ташқи буйруқларни кўчирамиз
```

```
REM бу буйруқлар COMMAND каталогига жойлашган
```

```
FORMAT A: /Q/S/U
```

```
COPY C:\DOS\COMMAND A:\
```

Буйруқлар файлларни асосийларидан бири бу AUTOEXEC.BAT файли. Бу файл билан ўтган мавзуларда танишганмиз. Бу файл ДОС юкланганда ўқилади ва системани юкланиш жараёнларини ва ишлаш ҳолатларини ўрнатади. Шунинг учун бу файлни тахрирлашда ва яратишда алоҳида ихтиёт бўлишимиз шарт. Бошқа асосий файллардан бири бу CONFIG.SYS файли. Бу файл ДОС нинг конфогурациясини ва ишлаш ҳолатларини ўрнатади. Бу файл билан ишлашда жуда эҳтиёт бўлиш зарур.

Энди AUTOEXEC.BAT файлига мисолни кўриб чиқамиз:

@ECHO OFF

BREAK ON

PATH C:\ ; C:\DOS\ ; C:\WINDOWS\ ; C:\NC\ ; C:\VIRUS\ ; C:\ARCHIV\

PROMPT \$P\$G

REM программаларни хотирага юклаш

C:\UTIL\KEYRUS.COM

C:\UTIL\MOUSE.COM

C:\NC5\NC.EXE

4 Каталог ва файл буйруқлари.

Каталог тушунчаси бу файл ва каталогларни сақловчи махсус жой бўлиб компьютер хотирасида махсус ажратилган дискларда жойлашган бўлади. Биз **MSDOS** операцион тизимида **MSDOS** ички буйруқлари вазифалари ва файллар, папкалар билан ишлашни кўриб ўтамиз.

1) **DIR** - Жорий каталогни ичини кўриш.

C:\dir

Том в устройстве С не имеет метки

Серийный номер тома: 0842-14CF

Содержимое каталога C:\

DOS	КАТАЛОГ	
NC	КАТАЛОГ	04-15-98 7:37p
ARCHIV	КАТАЛОГ	04-15-98 7:40p
GAMES	КАТАЛОГ	04-25-98 10:35a
WINDOWS	КАТАЛОГ	05-03-98 11:40p
AUTOEXEC.BAT	95.076	06-01-98 10:06a
COMMAND.COM	30.742	09-14-98 15:33p
CONFIG.SYS	199	04-15-98 7:34p
3 файла(ов)	126.017 байт	09-14-98 15:31p
5 каталога(ов)	8.181.760 байт	свободно

C:\>_

Бу буйруқни бир нечта тури бор, улар dir дан кейин / (слеш) белгиси ва харф ёзилиши билан берилади:

dir/p - каталог ичини пауза билан кўришни таъминлайди, агар экранга сифмаса.

dir/w - каталог ичини 5та устун қилиб кўриш имконини беради.

dir/on - каталог ичини исмлари бўйича тартиблаб кўрсатади.

dir/oe - каталог ичини кенгайтмаси бўйича тартиблаб кўрсатади.

dir/os - каталог ичини хажмлари бўйича тартиблаб кўрсатади.

dir/od - каталог ичини ёзилган вақти бўйича тартиблаб кўрсатади.

2)**CD** - Жорий каталогни ўзгартириш (бошқасига кириш ёки жорийдан чиқиб кетиш)

cd "*каталог номи*" - Жорий каталог ичида жойлашган шу номли каталог ичига кириш.

C:\cd DOS

C:\DOS_

cd .. - битта каталог юқорига ўтиш (бу каталогдан чиқиб, бир босқич юқорига ўтиш)

cd - она каталогга ўтиш (C:\ га чиқиш)

3)**MD** "*каталог номи*" - жорий каталогда янги каталог яратиш. Бир каталогда иккита бир хил номли каталог жойлаштириш мумкин эмас.

C:\md ARGO

C:_

4)**RD** "*каталог номи*" - жорий каталогда бўш каталогни ўчириш.

C:\rd ARGO

C:_

5)**DELTREE** "*каталог номи*" - <каталог ёки файл номи>жорий каталогдаги каталог (бўш бўлиши шарт эмас) ёки файлни ўчириш. Агар каталог бўш бўлмаса, у холда тасдиқлашингизни сўрайди.

C:\deltree USER

Удалить USER со всем содержимым да(Y) нет(N):Y

C:_

ФАЙЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ УЧУН КЕРАК БЎЛАДИГАН БУЙРУҚЛАР.

1) **COPY CON** "*янги файл тулик номи*" - жорий каталогда янги матн файлини яратиш. **ENTER** тугмаси ёрдамида пастга тушиш мумкин, ёзишни тугатиш ва файлини сақлаб қўйиш учун **CTRL** ва **Z** тугмалари бир вақтда босилади.

C:\DOC\copy con new.txt

Бу менинг матн файлим.

Буни мен яратдим

^Z

1 файл скопирован

C:\DOC

2) **TYPE** "*файл номи*" - жорий каталогдаги матн файлининг ичини кўришни таъминлайди.

C:\DOC\type new.txt

Бу менинг матн файлим.

Буни мен яратдим.

C:\DOC

3) **DEL** "*файл номи*" - жорий каталогдаги файлини ўчиради.

C:\ARGO\del argo.txt

C:\ARGO

4) **REN** "*файл эски номи*" "*файл янги номи*" - жорий каталогдаги файлини қайта номлаш

C:\ARGO\ren first.txt second.txt

C:\ARGO

5) **COPY** "*нима*" "*каерга*" - жорий каталогдаги файлни нусхасини бошка каталогга ёзади. Каерга бўлимда тулик йул (диск номи:\каталоглар\) курсатилади.

C:\ARGO\copy myfile.txt C:\DOC\

1 файл(ов) скопировано

C:\ARGO

6) **MOVE** "*нима*" "*каерга*" - жорий каталогдаги файлни бошка каталогга олиб ўтиш. Каерга бўлимда тулик йул (диск номи:\каталоглар\) курсатилади.

C:\DOC\move myfile.txt C:\ARGO\

C:\DOC

5.Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Abduqodirov A. Informatika. 2002.
2. Zakirova F.M. Informatika i informatsionno'e texnologii. 2007.
3. Obidov A.A. Informatika misol va masalalarda. 2006.
4. Toyloqov N., Axmedov A. IBM - PC Kompyuteri. - T.: "O'zbekiston", 2001.
5. G'ulomov S.S. va boshqalar. Axborot tizimlari va texnologiyalari - T.: "Sharq", 2000.
6. Ermatov Sh.T. Shaxsiy kompyuterlar. Operatsion tizimlar, qurilmalar. 2006.
7. Proff.M.M.Arihov "Informatika.Axborot texnologiyalari" (1-2-qismlari) 2003 y.
8. T.X.Xolmatov,N.I.Tayloqov,U.A.Nazarov "Informatika" 2003 y.